

Катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат кўрсатиш | Учинчи ҳақ



15:47 / 04.08.2025 1234

Бу муслмон банданинг асосий хусусиятларидан бўлмоғи лозим. Чунки унинг одамлар орасидаги муомаласи, асосан, мана шу меъёрлар билан намоён бўлади. Ривоятга кўра, кекса бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқлаб келади. Бироқ одамлар унга жой бериб, ҳурмат кўрсатишда кеч қолишади. Шунда Набий алайҳиссалом:

“Кичикларимизга раҳм-шафқат кўрсатмаган, катталаримизни эҳтиром қилмаганлар биздан эмас”, дейдилар.

Ва яна **“Кекса муслмонга ҳурмат кўрсатиш Аллоҳ таолони улуғлашдандир”,** деганлар.

“Бир йигит ёши сабабли бир кекса кишини ҳурмат қилса, Аллоҳ ҳам қариганида уни бошқа биров ёши туфайли ҳурмат қиладиган қилиб қўяди”. Ушбу ҳадиси шарифда мана шундай фазилатли ишни қилган кишига ажр-савоб олиш билан бирга, узоқ умр кўриш ҳақида хушхабар берилмоқда.

**Абдулҳамид Зайриевнинг
“Муслмоннинг ҳақ ва вазифалари” китобидан**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида нашрга тайёрланди.